«Фитин–с, инъекция учун» дори воситасини микро-биологик фаоллигини ўрганиш

И.Х. Рустамов, С. Г. Атаулаева, Г. М. Султонова
Тошкент Фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси.

Изланишдан мақсад: Ҳозирги кунда ўсимликлардан ва синтетик моддалардан олинган препаратларни табобатда кенг кўламда ишлатилиши долзарб масалалардан биридир. Бу борада “Фитин – С” инъекция учун эритмасининг антимикроб хоссалари дори тури ва таркибига боғлиқ тарзда ўрганиш мақсад қилиб қўйилди.
Материаллар ва текшириш усуллари: Тажриба натижаларига баҳо беришдан чекланишлардан ҳоли бўлиш учун, қуйидаги тест – микроорганизмларни дори воситалари билан таъсири аниқланди: Bacillus subtilis, Escherichia coli, Pseudomonas aeruginoza, Staphylococcus aureus, Candida albicans. 1 г (1 мл)дан дори воситасидан намуналар олинди. Ҳар бири pH 7,0 бўлган 1:10 нисбатдаги фосфатли буфер эритмаси билан (2 намуна), № 3 ли муҳит (1 та намуна) ва № 8 ли муҳит (2 та намуна) да эритилди. Bacillus subtilis, Escherichia coli, Pseudomonas aeruginosa, Staphylococus aureus, Candida albicans культуралари 18-20 соат давомида 370 С температурада № 1 суюқ муҳитда ўстирилди, Candida albicans культураси 48 соат давомида 250 С ҳароратда № 2 суюқ муҳитида ўстирилди. Культураларни буфер эритмада, №3 муҳитида ва №8 муҳитда дори воситаларидан тайёрланган алоҳида намуна штаммларидан 1 мл дан олиб 1:100 нисбатдаги стерилланган натрий хлорнинг изотоник эритмасида эритилди. Микроорганизмларни ҳосил қилиш учун 11 ДФ да келтирилган усуллардан фойдаланилган.
Натижа: юқорида келтирилган муҳитларда микроорганизмларни ўсиши аниқланган эди. “Фитин-С, инъекция учун эритмаси” Pseudomonas aeruginosa, Bacillus subtilis, Escherichia coli, Candida albicans лар билан бирга антимикроб таъсири бермайди. Зич озуқа муҳитида “чуқурчалар усули” ёрдамида қўшимча изланишлар ўтказилди. “газон” ли экиш усули ёрдамида тест штаммлар текширилганда зич озуқа муҳитида, чуқурчалар атрофида бактерияларнинг ўсиш даражасини тўхтатилган зоналарининг диаметри аниқланди. Staphilococus aureus микроорганизмларга антимикроб таъсири сустлиги аниқланди.
Хулоса: “Фитин-С, инъекция учун эритма” Pseudomonas aeruginosa, Bacillus subtilis, Escherichia coli, Candida albicans билан биргаликда микробларга қарши таъсирини намоён қилмайди. Staphilococus aureus билан муносабатда микробларга қарши таъсири сустлиги аниқланди.